Национальная библиотека УзССР

УЧКУДУКДА ГЕРМАНИЯ ЭКСКАВАТОРИ

НАВОИЙ. Тоғ-металлургия кончилари Германиянинг "Ориенштейн кошел" фирмаси билан ҳамкорлик қилмоқда. Кўкпатас кон ҳавзасида Германия экскаваторларининг кўпайиши меҳнат унумдорлигини оширишга имкон бермоқда. Шу йилнинг ўзида кунига ўртача 200-350 минг тонна тоғ жинсларини юклайдиган тўртта замонавий экскаватор келтирилди. Йил охиригача бундай техника ўнтага етказилади.

Музаффар ШАРОПОВ.

ЖАҲОН АНДОЗАСИГА МОСЛАБ

ГУЛИСТОН. Истиқлол байрами арафасида "Лола" тикувчилик ҳиссадорлик жамиятида янги цех фойдаланишга топширилгач, жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган аёллар ва болалар кўйлаклари тайёрлаш йўлга қўйилади. Бунинг учун Германия ва Японияда келтирилган тикув дастгоҳлари ўрнатилди. Ишчи ўринлари эса яна 20 тага кўпаяди.

Абдужалил УМАРОВ.

ЙИЛ ОЙИ КУН

5 воқеалар, янгиликлар, хабарлар, авбмстар

БАЛИҚ ОВИ АВЖИДА

НУКУС. "Қорақалпоқбалиқ" давлат ҳиссадорлик компанияси ишчилари ўтган ярим йил мобайнида 7800 центнер маҳсулот овлашди. Режа 117,2 фоизга бажарилди. Бунда Мўйноқдаги "Амударё" жамоа хўжалиги, "Қозоқдарёбалиқ" корхонаси, Қораўзак, Тахтакўпир, Хўжайли, Чимбой ва Шуманай туманлари балиқчилик хўжаликларининг ҳиссаси муносиб бўлди. Йил охиригача 17 минг центнерга етказиб балиқ овлаш кўзда тутилмоқда.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

ЖУРНАЛИСТЛАР ОРОМГОҲИ

ФАРҒОНА. Водийнинг сўлим масканларидан ҳисобланган Сўх туманидаги Чашма қишлоғи ҳудудида журналистлар учун оромгоҳ барпо этилмоқда. Вилоят оммавий ахборот воситалари, нашриётлар ва телерадиокомпания тизими маблағлари жамланиб, ҳар мавсумда 40-50 нафар қаламкашнинг ҳордиқ чиқаришига имконият яратилаётир.

Алишер ИБОДИНОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 5 август, сешанба № 91 (22.175).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛНОМАСИ

✓ *1993 йил 5 август* — **Президент Ислом Каримовнинг «Биз кечаги кунимиздан воз кечмай, келажакни кўзлаб ишламоқдамиз» сарлавҳали суҳбати «Правда» газетасида эълон қилинди.**

✓ *1996 йил 6 август* — **Ўзбекистон бозорига сармоя ётқизишни хоҳлайдиган хорижий сармоядорларга мўлжалланган «Франция: Ўзбекистонга сармоя йўлланади» деб номланган китоб нашр этилди. Китоб Президент Ислом Каримовнинг шу дўст мамлакат тадбиркорларига йўллаган мактуби билан бошланади.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

РЕСПУБЛИКА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ КОМИССИЯСИНИНГ ТАРКИБИНИ ЎЗГАРТИРИШ ТЎҒРИСИДА

1. 1996 йил 11 июлдаги ПФ-1492-сон Фармоннинг 1-бандини қисман ўзгартириб, республика пул-кредит сиёсати комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ қайтадан тасдиқлансин.

2. Республика пул-кредит сиёсати комиссияси тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

3. Республика пул-кредит сиёсати комиссиясининг раиси Ф. Муллажонов комиссия махсус ишчи гуруҳларининг раҳбарлари (Г. Саидова, Т. Гуськова, М. Нурмуродов, Ш. Ғофуров, А. Акмалов) билан биргаликда бир ҳафта муддатда ишчи гуруҳларининг таркибини ўзгартириш бўйича таклифлар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда ушбу Фармонга мувофиқ амалдаги қонун ҳужжатларига зарур қўшимча ва ўзгартишлар киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 1 август.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИГА ИЛОВА

РЕСПУБЛИКА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ КОМИССИЯСИНИНГ ТАРКИБИ

1. **Муллажонов Ф. М.** — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раиси — комиссия раиси
2. **Саидова Г. К.** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи — истеъмол бозорининг таъминланиши ва баланси бўйича ишчи гуруҳи раҳбари.
3. **Гуськова Т. Н.** — Молия вазирининг биринчи ўринбосари, комиссия раисининг ўринбосари — валюта маблағларининг манбалари ва уларни тўлдириш заҳиралари бўйича ишчи гуруҳи раҳбари.
4. **Нурмуродов М. Б.** — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари — пул-кредит сиёсати ва пул эмиссиясини қисқартириш бўйича ишчи гуруҳи раҳбари.
5. **Ғофуров Ш. Р.** — Макроиқтисодиёт ва статистика вазирининг биринчи ўринбосари — инвестиция программалари бўйича ишчи гуруҳи раҳбари.
6. **Акмалов А. В.** — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раиси ўринбосари — махсус ишчи-гуруҳ раҳбари.
7. **Иброҳимов Ш. А.** — Ўзбекистон Республикаси Президенти девони етакчи консультанти, комиссия котиби.
8. **Асқаров М. А.** — Ташқи иқтисодий алоқалар вазирининг биринчи ўринбосари.
9. **Одилов А. А.** — «Асака-банк» бошқаруви раиси.
10. **Азимов Р. С.** — Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси.
11. **Ан Г. Ю.** — Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари.
12. **Аҳмедов Д. С.** — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси раиси.
13. **Охунжонов А. В.** — «Ўзсавдогарбанк» бошқаруви раисининг ўринбосари.
14. **Беганов В. С.** — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси.
15. **Голишев В. А.** — Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси.
16. **Жумагелдиев М. Р.** — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бухгалтерия ҳисоби ва давлат бюджетининг касса ижроси департаменти директори.
17. **Жалолов Ё. Ж.** — Ўзбекистон Республикаси Президенти девони назорат инспекцияси раиси.
18. **Комилов Ў. Т.** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси.
19. **Мирсафоев С. М.** — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири.
20. **Мустафоев Б. М.** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори.
21. **Муҳитдинов Н. Ф.** — Халқ банки бошқаруви раиси.
22. **Муҳидов А. А.** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ташқи иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш департаменти бошлиғи.
23. **Набиев У. Н.** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси истеъмол бозори мажмуи котибияти мудири.
24. **Ниғматов У. У.** — «Ўзсаноатқурилишбанк» бошқаруви раиси.
25. **Попадюк Н. К.** — Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳузуридаги товар бозорлари конъюнктурасини ўрганиш республика маркази директори.
26. **Раҳмонов А. С.** — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредит сиёсати департаменти директори.
27. **Собиров М. А.** — «Ўзтадбиркорбанк» бошқаруви раиси.
28. **Тошматов К. П.** — «Пахтабанк» бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари.
29. **Эргашев Ю. Э.** — «Ғаллабанк» бошқаруви раиси.

ЁЗ — ЎТМОҚДА СОЗ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 5 августидан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	51,62	1 Норвегия кронаси	9,06
1 Австрия шиллинги	5,34	1 Польша злотийси	20,17
1 Англия фунт стерлинги	113,97	10 Португалия эскудоси	3,71
10 Бельгия франки	18,16	1 Сингапур доллари	47,72
1 Голландия гульдени	33,28	1000 Туркия лираси	0,43
10 Греция драхмаси	2,41	1 Финляндия маркаси	12,58
1 Дания кронаси	9,84	1 Франция франки	11,12
1 БАА дирхами	19,04	1 Швеция кронаси	8,71
1 АҚШ доллари	69,90	1 Швейцария франки	45,69
1 Миср фунти	20.60	1 ЭКЮ	74,02
1 Ирландия фунти	100,94	10 Жанубий Корея вони	0,79
1 Исландия кронаси	9,097	10 Япония иенаси	5,89
10 Испания песети	4,44	1000 Россия рубли	12,05
100 Италия лираси	3,84	1 Украина гривнаси	37,64
1 Канада доллари	50,67	1000 Белорусь рубли	2,57
1 Хитой юани	8,43	1 Эстония кронаси	5,51
1 Қувайт динори	229,37	1 Латвия лати	118,68
100 Ливан фунти	4,54	1 Литва лити	17,48
1 Малайзия рингити	26,80	1 Қозоғистон тенгеси	0,93
1 Германия маркаси	37,49	1 Қирғизистон соми	4,04

/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Мамлакатимизда Ўзбекистон қўшиқ байрамининг якунловчи босқичига пухта тайёргарлик кўрилмоқда.

* * *

Тошкентдаги Темирйўлчилар маданият саройида темир йўл ходимлари кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

* * *

Пойтахтимиздаги «Алгоритм» заводи қошидаги «Тэк и К» кичик корхонаси фермер хўжаликлари ҳамда қишлоқ хусусий корхоналарига лизинг шартномаси — ускуналарни муайян муддатга, кейинчалик унга эгалик қилиш ҳуқуқи билан ижарага бериш асосида сотишни йўлга қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг назорат инспекцияси-да ҳудудий назорат инспекциялари раҳбарлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

* * *

Тошкентда Ўзбекистон адвокатлар ассоциациясининг таъсис съезди бўлди.

* * *

Жиззах пайпоқ тўқув фабрикаси Жанубий Кореянинг «Тэ-жун» фирмаси билан ҳамкорлик қила бошлади.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

«Интернет» ахборот агентлигининг хабар қилишича, кеча Эрон пойтахти Теҳрондаги мамлакат парламенти (мажлиси) биносида янги Президент Муҳаммад Ҳотамий тантанали қасамёд қилди. Маълумки, у май ойида бўлиб ўтган сайловда 70 фоиз овоз олиб мамлакат Президенти этиб сайланган эди. Ўтган куни эса Эроннинг диний раҳбари Оятулло Али Хумайни Ҳотамийни мамлакат ижроия ҳокимияти раҳбари лавозимига тасдиқлади.

* * *

АҚШ Қуролли кучлари штаб бошлиқлари қўмитасининг раиси Жон Шаликашвили кеча икки кунлик ишчи ташрифи билан Тбилиси шаҳрига келди. У Грузия ҳарбий академиясини кўздан кечиради, ҳамда ўз бобосининг Гуржан туманидаги ерларини ва уйини томоша қилади.

* * *

Собиқ қирол Михай I кеча шахсий ташриф билан Руминияга келди. Собиқ монах ўз мамлакатига шу йилнинг ўзида учинчи бор ташриф буюрди.

* * *

1993 йилда халқаро савдо марказида бомба портлаши натижасида олти киши халок бўлганлиги ҳаммага маълум. Айни пайтда Нью-Йоркда ушбу терроризм ҳаракати юзасидан қўзғатилган иш муносабати билан эшитув жараёни бошланди. Бу қўпорувчилик ҳаракатида араб миллатига мансуб 23 ёшли Абу Мезер шубҳа остига олинган. У Исроилда терроризм ташкилотлари билан алоқа қилганликда айбланиб, қўлга туширилган эди.

* * *

Россия ҳукумати Бош вазирининг биринчи ўринбосари Борис Немцов НАТО Бош котиби Хавьер Солана билан учрашди.

* * *

НАТО ташкилоти раҳбарияти АҚШ ҳарбий-денгиз кучлари адмирали Хэролд Геман Атлантикадаги Бирлашган Қуролли Кучлар Олий бош қўмондонлигига тайинлади. Бу номзод Қўшма Штатлар Президенти томонидан таклиф этилган эди. У сентябрь ойида ушбу лавозимда ишлаб турган генерал Жон Шиханнинг ўрнини эгаллайди.

Қарор ва ижро

ТАҚЧИЛЛИКНИНГ ПАЙИ ҚИРҚИЛДИ

Одамларнинг тинкасини қуритувчи собиқ тузумдан қолган «дефицит» деган бало республикамиз Вазирлар Маҳкамасининг маълум ва машҳур 604-сонли қароридан сўнг узил-кесил йўқ бўлиб кетганди. Савдо эркинлашуви, кундалик эҳтиёж учун зарур озиқ-овқат турларидан 8 таси доимо пештахтада бўлиши шарт қилиб қўйилгани ва савдо корхоналарининг хусусийлаштирилгани аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини янги поғонага кўтарди. Аммо назоратнинг сусайиши сабабли, савдодаги баъзи нопок ходимларнинг эгри қўллиги оқибатида озиқ-овқатларнинг айрим турлари чайқов бозорига «оқиб кетди». Натижада шакар, ўсимлик ёғи, ун каби маҳсулотлар таъминотида узилишлар рўй бера бошлади. Таъминотда узилиш бўлган жойда эса тақчиллик уруғи униб чиқади...

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қилган «Озиқ-овқат маҳсулотларининг айрим турларини сотишни тартибга солиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори савдо соҳасидаги ана шу нуқсонларга чек қўйди, тақчилликнинг, чайқовнинг пайини қирқди. Қарор чиққандан сўнг орадан бир ҳафта ўтган бўлса-да, унинг таъсири, самараси ҳамма жойда яққол сезилмоқда. Дўконларда шакар, ўсимлик ёғи, ун сероблашди. Уларни аҳоли мамнуният билан харид қиляпти. Юз марта эшитгандан кўра, бир марта кўз билан кўрган афзал, деган ақидага амал қилиб, биз пойтахтдаги қатор озиқ-овқат дўконларини кўздан кечирдик.

Фарғона йўли ёқасидаги «Улфат» хусусий корхонаси тадбиркорларнинг саъй-ҳаракати билан ўтган йил охирида ишга тушган. Бу дўкон ўзининг шинам ва кўркамлиги билангина эмас, балки ҳожатбарорлиги билан тез орада харидорлар назарига тушди. Хизмат кўрсатишнинг замонавий усуллари қўлланилаётгани туфайли бу ерда ҳар ойда 5,5-6 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари сотиляпти. Бироқ «дефицит», «навбат» деган балолар бу ерни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Айниқса, ёз фаслида шакарга бўлган талаб ортиб кетди.

— Харидорларимизга уч кун узлуксиз шакар сотдик, — деди хусусий корхона раҳбари ўринбосари Раҳим Ҳабилов. — Мана бугун навбатнинг кети узилди. Бир маромга тушиб олдик...

Бу албатта, яхши. Харидор ўзига керакли маҳсулотни бир зумда топса, харид қилса, айни муддао. Зеро, савдо маданиятининг олий талаби ҳам шундай!

Темир йўл вокзали майдонида жойлашган «Тинчлик» акциядорлик жамиятига қарашли 2-сон дўконда (мудири Н. Қурбонов) эса хийла узун навбатни кўрдик. Бунинг албатта, сабаби бор: бу ерда маҳаллий аҳолидан кўра, турли томондан келган йўловчи-харидорлар кўп.

— Нима харид қилдингиз? — суҳбатга тортдик дўкондан чиқаётган харидорларнинг бирини.

— Шакар сотиб олдим, килоси 72 сўмдан, — деди ўзини Маргарита Бугаева деб таништирган аёл. — Рўзғорга зарур бўлган шакар, ун ва бошқа нарсаларнинг кўпайиши яхши бўлди-да. Нархи ҳам бозордагидан арзон...

— Қодиров Ўктамжонман. «Салор» маҳалласи қўмитаси раисиман, — дея суҳбатга қўшилди ўрта ёшлардаги киши. — Биз бу ерда тақчил молларнинг адолатли, ҳаммага тенг сотилишини назорат қиляпмиз. Темир йўл вокзали яқин эмасми, одамлар ёпирилиб келишяпти. Насиб қилса, бугун-эрта бу ерда ҳам харидор санжоб бўлади. Маҳсулотнинг таги мўл.

Бинобарин, бу ерда савдони бир маромга туширишга, харидорларни навбатда туриш азобидан қутқариш учун барча шароит бор. Фақат озгина саъй-ҳаракат қилинса бас. Июнь ойида атиги 200 килограмм шакар олиб келинган экан. Июль ойида 10 тоннадан зиёд келтирилибди. Ана шу маҳсулотнинг 9 тоннаси ойнинг сўнгги 5 кунида келтирилган. Бунақа пайдар-пай ишлаш харидорларга маъқул эмас. Ахир қачон харидорнинг талаб ва эҳтиёжи ўрганилади?

Дўконларимиз пештахталарида шакар, ун, сариёғ, ўсимлик ёғи сингари маҳсулотларнинг кўпайгани нур устига аъло нур. Аммо бу ҳам кишида андак шубҳа уйғотади: баъзи корчалонлар ўзлари яшириб ёки ғамлаб қўйган маҳсулотларини бозорларда сотолмагандан сўнг дўконларга ташлашмаяптимикин? Табиийки, қинғир йўллар билан келган бундай маҳсулотларда мувофиқлик сифат сертификатлари, тайёрланган санаси ва яроқлилик муддатини кўрсатувчи ҳужжатлар бўлиши даргумон.

«Марказ-27» мавзесидаги «Ғунча-КН» хусусий савдо дўконида бўлганимизда рости шундай шубҳага бордик. Дўкон раҳбари Тоир Убайдуллаев бизга сотилаётган ун, шакар, ўсимлик ёғи ва бошқа маҳсулотларнинг мувофиқлик ва сифат сертификатларини кўрсата олмади.

— Сертификатлар базада турибди, — дея ўзини оқламоқчи бўлди у. — Базага бориб кўришларингиз мумкин...

Ана холос! Дўкондан озиқ-овқат харид қилган истеъмолчи сотиб олган нарсасининг сифатини билиши учун базага бориши керак экан-да!

Афсуски, бундай ҳол пойтахтдаги бошқа дўконларда ҳам учради. Жумладан, Яккасарой туманидаги «Орифлей» масъулияти чекланган жамият (директори Л. Ҳикматжонов) дўконида сотилаётган шакар ва уннинг сифатига оид ҳужжатлари йўқ. Уларнинг яроқлилик муддатини аниқлаб бўлмайди. Дўкон раҳбари эса «ҳужжатлар «Баққоллик» базаси ва ун комбинатида туради», деди. Эҳтимол шундайдир, сертификатлар бордир. Аммо у нега истеъмолчи назаридан панада? Ахир, бу ҳужжатларни ҳар бир харидор талаб қилишга қонуний ҳаққи бор-ку?

Ҳозир савдода бунақа нуқсонлар онда-сонда учраб турибди. Аммо энг муҳим хулоса шуки, ҳукуматимиз қароридан сўнг савдонинг «қони» юришиб кетди, тақчиллик пайи қирқилди. Истеъмолчиларнинг мамнунлиги ҳам шундан.

Норбобо ШАКАРОВ,
Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.

Партия ҳаёти

ЎЗ ИШИНГИЗДАН ҚОНИҚЯПСИЗМИ?

45 та бошланғич партия ташкилотимиз бор. Шундан 16 таси ҳудудий бошланғич партия ташкилотларидир. Аъзоларимиз сони — 1335 нафар. Улар халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилишмоқда.

Миллий истиқлол мафкурасини аҳоли ўртасида кенг ёйиш, тарғиб қилишда «Маърифатхона»ларимизнинг аҳамияти катта бўлаяпти. Айтиш керакки, ҳар бир хўжаликда ва йирик ташкилотларда шундай «Маърифатхона»ларимиз бор. Уларда истиқлол, унинг аҳамиятини кўрсатувчи, Ватанимиз тарихи, улуғ аждодларимиз босиб ўтган йўл ҳақидаги адабиётлар, Президентимизнинг асарлари ўрин олган. «Маърифатхона»да бўлган киши кўргазмали воситаларни кўради. Мустақиллигимиз, унинг тарихий аҳамиятини теранроқ тушунади, мамлакатимиз келажагини ёрқинроқ тасаввур қилади.

Фақат шу билан чекланиб қолаётганимиз йўқ. Фаолларимиз аҳоли ўртасида шу мавзуда кўплаб суҳбатлар ўтказмоқдалар. Кечалар, илмий-амалий анжуманлар уюштирилмоқда. Айниқса, ёшлар онгига миллий истиқлол ғояларини сингдиришга алоҳида аҳамият бераяпмиз. Туман ўқувчилари учун махсус Амир Темур ва Усмон Юсупов стипендиялари ташкил этилган. Умуман айтганда биз халқ таълими соҳасига тааллуқли ҳар бир тадбирга ҳомийлик қиляпмиз. Бу ўз самарасини беряпти.

Бозор иқтисодиёти шундайки, у сиёсий партиями, бошқа ташкилотми, бундан қатъи назар, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаши керак. Шунинг учун биз ташкилотимиз ихтиёрига 15 гектар ер олганмиз. Ана шу майдонда етиштирилган дон ва бошқа экинлар ҳосилидан, ундан олинаётган фойда эвазига аъзоларимизга, ногиронларга, муҳтожларга, ночор оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш имкони туғилмоқда. Ҳар байрамда фаолларимизни рағбатлантиряпмиз. Ночор оилаларга, ёлғиз қарияларга ёрдам кўрсатяпмиз.

Албатта, биз ҳали мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланяпмиз, деб айтолмаймиз. Аммо шунга ҳаракат қиляпмиз. Жойлардаги бошланғич партия такшилотларимиз котиблари, фаолларимиз шу мақсадда астойдил иш олиб бормоқдалар. Айниқса, Жейнов, Автономов номли 24-хўжаликлар, 236-хўжаликлараро механизациялашган кўчма идораларда бу борада иш анча яхши йўлга қўйилган.

Истиқлолнинг олтинчи йилини нишонлаш арафасидамиз. Бинобарин, мустақиллик ҳақида ҳаяжонли сўз юритганда ифтихор билан тилга оладиган ютуқларимиз жуда кўп. Бундан биз тарғибот-ташвиқот ишларида ўз ўрнида фойдаланмоқдамиз. Ватанни севмоқ иймондандур, дейилган Ҳадиси шарифда. Демак, Ватанни севган ҳар бир киши истиқлол ва унинг аҳамиятини янада теран тушунади, юртимиз шон-шуҳратини оширишга ўз ҳиссасини қўшади. Шу йўлда, яъни маънавий янгиланиш йўлида меҳнат қилаётганимиздан биз-да мамнунмиз.

Одил ЧЎЛИЕВ,
Ўзбекистон ХДП Усмон Юсупов тумани кенгашининг биринчи котиби.

ИСТИҚЛОЛ: МАЪНАВИЯТ ВА ИДРОК

Мустақилликнинг олти йиллигига

Ҳадемай миллий истиқлолимизнинг олти йиллиги тантанавор нишонланади. Шу қисқа муддат ичида Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳонга танилди. Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида эркин юрт пойдевори тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Маънавият борасида олиб борилаётган ўта нозик ва оқилона сиёсат туфайли миллий ғуруримиз юксалди, истиқлол ва маънавият теран идрок қилина бошланди.

Дарҳақиқат, истиқлол ва маънавият бир-биридан айри эмас, аксинча ўзаро боғлиқ тушунчалар. Инсоният ўтмиши шундан гувоҳлик берадики, маънавияти бутун миллатни абадий истибдодда сақлаш асло мумкин эмас.

Буюк ҳинд шоири Робиндранат Тагор моддий маданиятга руҳий маданият қўшилгандагина ҳаётийлик касб этишини ўз давридаёқ теран идрок қилганди: «Илмий, ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотлар табиатдаги нарсаларни яхшилаши, сайқаллаши мумкин, лекин инсонни ҳеч нарса қила олмайди. У нарса киши руҳий камолатига эришиши учун йўл кўрсатиб бера олмайди».

Истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ маънавиятга алоҳида эътибор қаратилиши бежиз эмас. Мана истиқлолнинг илк даврларидаёқ Президентимиз эътироф қилган фикрлар: «Маънавият — инсонга ҳаётда барқарорлик бағишлайди, унинг қарашлари шунчаки бойлик орттириш йўлида кун кўришга йўл қўймайди, фожиалар вақтида омон сақлаб қолади ва моддий қийинчиликлар даврида иродани мустаҳкамлайди...»

Ҳақиқатан ҳам давр бу қарашларнинг нечоғли ҳаётий эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

Шуни кўтаринки руҳ билан айтишимиз мумкинки, кейинги йилларда жамиятдаги иқтисодий-ижтимоий, сиёсий муаммоларни ҳал этишда маънавий жараённинг муҳим ўрнини асословчи теран ғояли мақола, илмий-оммабоп асарлар юзага келди. Таассуфки, шоли курмаксиз бўлмаганидек, маънавият тўғрисидаги айрим қарашлар юксак илмийликдан йироқ, ҳис-туйғу эҳтиросларидан иборатлигича қолмоқда.

Баъзан ўқиб, эшитиб, ҳайрон қоласан киши. Давлатимиз миқёсидаги нуфузли, катта ижодий тажрибага эга бўлган даврий нашр саҳифаларида ҳам сонаро Маънавият нима? Маърифат нима? Ватан нима? Озодликни қандай тушунасиз? сингари сўроқли гаплар босилади.

Шуни дадил айтмоғимиз керакки, маънавият, маърифат, маданият хусусида инсоният даҳоларидан бўлмиш ўз аждодларимизга етказиб бирор сўз айтмоғимиз мушкул. Халқимиз ўтмишини юксак баҳолаб, юртбошимиз шундай деганди: «Халқимизнинг маънавий пойдевори — бўлажак давлатимизнинг таянчлари жуда қадимий ва мустаҳкам. Буни ҳеч ким инкор қила олмайди. Тарихимиз нечанеча минг йилларга бориб тақалади. Халқимизнинг таянчи — аждодларимиз қолдирган маънавий мероснинг ўзи бир катта хазина. Бу хазинадан оқилона фойдаланиш лозим».

Ер юзидаги жамики тийрак кўзли инсонлар Нельсон Мандела номини яхши биладилар. Озодлик ва эркнинг бу бетакрор курашчисига нималар ваъда қилинмади, дейсиз. Бойлик, умр бўйи эртаклардагидек шоҳона ҳаёт, ҳамма-ҳаммаси. Ундан эса фақат бир нарсани — истиқлол йўлидаги ғояларидан воз кечишини сўрадилар, холос. Аммо Мандела эркинликни бу фоний дуёнинг ўткинчи лаззатларига алмаштирмади. Натижада у умрининг йигирма етти йилини қамоқхоналарда, руҳий қийноқ ва азоблар гирдобида ўтказишга мажбур бўлди. Бугун бутун дунё ундаги бетаъриф юксак маънавий камолот туйғусини тан олди. Манделага халқаро Нобель мукофоти топширилди. Халқи ўз ўғлонини Президент этиб сайлади.

Бундай мисолларни аждодларимиз ҳаётидан ҳам истаганча келтиришимиз мумкин. Ана шундай эрк қурбонларидан бири қалби маънавият ва маърифатга тўла зот, Кубровия тариқатининг асосчиси, юртдошимиз Нажмиддин Кубродир. Душман Хоразмга яқинлашганда, Муҳаммад Хоразмшоҳ қочиб кетган, лашкар пароканда эди. Шайх муридларини жамлаб, уларга қараб бундай дейди: «Машриқдан келган бу бало Машриқу Мағрибни яксон этади, ёндириб кул қилади. Сизлар ҳар бирингиз ўз юртингизга боринг, ўз жонингизни асраш пойида бўлинг». Асҳоб шайхга илтимос қилиб дедилар: «От-уловлар тайёр, агар шайх (яъни Нажмиддин Кубро) биз билан ҳамроҳ кетишни ихтиёр этсалар, яхши бўларди». Бунга жавобан Шайх Нажмиддин Кубро дейди: «Мен бу ерда шаҳид бўламан, менга Хоразмни тарк этишга рухсат йўқ». (қайд — Нажмиддин Комилов).

Истиқлол давридаги энг муҳим вазифалардан бири маънавий инқироздан чиқиш, халқ маънавиятини камол топтиришдир. Бу эзгу ишларга тўхталиб, Президентимиз жаҳон жамоатчилиги томонидан юксак баҳоланаётган «Ўзбекистон XXI аср бўсағаси: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарида шундай ёзадилар: «Миллатнинг ва халқнинг маънавий камолотига, маърифатига умумдавлат сиёсати сифатида қараш лозим».

Мамлакатимизда маънавият соҳасидаги ишларимиз тараққиёти сўзсиз жамиятдаги ҳар бир инсоннинг ўзлигини қай даражада англаб етишига боғлиқ. Демак, одамларнинг ўзликларини чуқур англашини таъминлаш маънавият соҳасидаги сиёсатнинг асосий мақсадларидан бири. Шу маънода ҳазрати Алишер Навоийнинг «Наводир — уш шабоб» девонидаги «Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам», деган мисраси хаёлга келади. Ҳа, бу оламда йўқотишлар ичидаги энг оғир йўқотиш инсоннинг ўзлигини йўқотишдир.

Одамзод тафаккур ва эҳтирос, руҳият ва имон дунёсида яшайди. У юрагидаги эътиқод билан, ишонч билан тирик ва бутун. Ўзликни йўқотмоқ ана шу оламдан жудо бўлмоқдир, инсон иморатидаги руҳларимиз устунлари синмоғидир. Муқаддас Ҳадиси шарифда «ўзини таниган — Аллоҳни танийди», деган ажойиб фикр бор. Дарҳақиқат, ўзини тўғри англаган Ватанни ҳам танийди. 712-716 йилларда тошга ўйиб ёзилган «Тўнюқуқ битиктоши»да: «Эркин яшамоқчи бўлган ҳар бир халқ ўзи ким эканлигини англаб олиши керак», — деган сўзлар бор. Зеро, ҳар бир инсон ўзини ўз халқининг бир зарраси деб сезгандагина, у ҳақда ўйлаб, меҳнат қилиб, фаолият кўрсатсагина маънавият билан туташади.

Қадимги битикларда яна шундай дейилади: «Элимга донг бўлсин деб мен яшадим». Фақат маънавияти бут инсонларгина шу муқаддас туйғу билан яшашлари мумкин. У деҳқонми, эҳтимол ишчи, ўқитувчи-ю ёки раҳбар, бунинг инсон маънавиятига заррача дахли йўқ. Муҳими, қалбдаги маънавий комиллик.

Истиқлол, унинг мустаҳкамлиги ва умрбоқийлигини маънавият ва маърифат ғояларисиз тасаввур этиш қийин. Мустақиллик аждодларимизнинг асрий орзуларидир.

Бас, шундай экан маънавият борасида олиб борилаётган сиёсат ҳам эрксевар жамики инсоният ниятларини ўзида мужассам этади. Бу нурли ғоялар фақат зиёбахш келажакка элтади. Инсон қалбидагина камол топадиган бу юксак туйғудан ҳеч ким бенасиб қолмасин. Президентимиз Ислом Каримов жуда ибратли таъкидлаганидек «Маънавиятни мустаҳкамлашга меҳнат ва маблағни аямоқ — ўзини келажакдан маҳрум қилиш демакдир».

Қобилбек КАРИМБЕКОВ,
Муҳаммаджон АҲМЕДОВ.

ТЕЛПАКБОП МУЙНА

ТОШКЕНТ. *Чирчиқдаги «Рассвет» ширкати асосан мўйначиликка ихтисослашган. Бу ерда нафис мўйна берувчи нутрия боқилади. Мўйнадан телпак тикиш цехи ишлаб турибди. Жамоа аъзолари вилоят тадбиркорлари кўрик-танловида қатнашиб, юқори ўринлардан бирини эгаллашди. Беш мингдан зиёд нутриядан олинаётган мўйна йилига 200 донадан кўпроқ телпак тайёрлашга имкон бермоқда. Бундай жониворнинг гўшти парҳез бўлгани учун ишчи-хизматчиларга арзон нархда сотилмоқда.*

Соҳибжон САЛИМОВ.



ПАҲЛАВОН МАҲМУД МАҚБАРАСИ. **Абдулғани ЖУМА олган сурат.**

ҲАМ ЎҚИШ, ҲАМ ҲОРДИҚ

БУХОРО. *Вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти қошида ташкил этилган курс тингловчилари ҳам ўқиб, ҳам ҳордиқ чиқармоқдалар. 7 йилдан бери фаолият кўрсатаётган бу маскада малакали шифокор ва ўқитувчилар хизмат кўрсатишмоқда.*

Даврон БАҲРОНОВ.

ХАЙРИЯГА 700 МИНГ

СИРДАРЁ. *Мустақиллик байрами арафасида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг вилоят бўлими Гулистон шаҳар туғруқхонасига хайрия тариқасида 20 минг сўм пул ўтказди. Чақалоқларга зарур кийим-кечаклар, дори-дармонлар совға қилинди. Йил бошидан бери амалга оширилган бундай хайриялар миқдори 700 минг сўмга етди.*

Абдужалил УМАРОВ.

Хатлар
Хатлар
Хатлар

МАДАДИНГИЗНИ КУТАМИЗ

Гўзалкент тумани ҳокими Х. Мустаевнинг 1996 йил 28 март 2-12/56 хати ҳамда вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи А. Бекмуродовларнинг 1 май 1996 йил 247 В/25 хати, яъни «ҳашар усулида қурилган 39-таянч мактаб ҳар қандай шароитда ўз фаолиятини давом эттиради», деган хатлари бизларни руҳлантириб юборди. Албатта, булар яхши. Бироқ энг қизиқарлиси, бир кичик қишлоқда иккинчи мактаб ҳам очилиш арафасида турибди.

Давлат маблағи ҳисобига қурилаётган иккинчи мактаб нега зарур, деган савол бизни ўйлантирмоқда. Негаки, болаларимизнинг ўқиши учун 39-мактаб етарлику. Аммо янги мактабда ким ўқийди? Нега давлат маблағи шифохона ёки майиший хизмат уйи учун эмас, шу қишлоқда фаолият кўрсатаётган мактаб учун яна қайта ишлатилади?

Тиббий муассасалар разъезддан анча узоқда жойлашган. Бирор қариндошимиз касал бўлиб қолса, уни марказга олиб боргунча жуда қийналамиз. Ҳатто оғир вазиятларни бошдан кечирамиз.

Бизнинг илтимосимиз шуки, давлат маблағи ҳисобига қурилаётган ўша иморатни мактаб сифатида эмас, қишлоқ врачлик амбулаторияси сифатида фойдаланишга берилса, кўп доно иш бўлар эди. Адолат ва ҳақиқат юзасидан, 39-таянч мактаби ўз фаолиятини сақлаб қоладиган бўлса, иккинчи мактаб қишлоқ аҳолиси учун ҳозирча ортиқча.

Ҳурматли таҳририят! Қурилаётган мактабни қишлоқ даволаш муассасаси сифатида фойдаланишга рухсат берилишида мададингизни кутамиз. Кексалар, ёш болали оналар 6—7 километр масофани пиёда юриб касалхонага бориши осон эмас.

Гўзалкент туманидаги «Дўстлик» қишлоғи аҳолиси номидан:

Б. АВЛАЕВА.

АРОСАТ

Мен узоқ йиллардан буён халқимизнинг севимли касб-ҳунарларидан бири пичоқчилик қиламан. Қўлимдан ясалиб чиққан миллий совғабоп ўзбек пичоқлари ҳатто хорижий меҳмонларга ҳам манзур бўлган. Андижон шаҳар ҳокимлигининг 1978 йил 26 апрелда чиқарган 166/8-сонли қарорига асосан шаҳар деҳқон бозоридан жой ажратиб берилган эди. Шу ҳужжат асосида дўкон қуриб буюмларимни ясаб, сотиб келганман. Деҳқон бозори бошлиғи Акбаржон Абдуллаев менинг дўконимни бузиб ташлайман, деб жанжал қилаверди. Тоқатим тоқ бўлиб, бу ҳақда шаҳар ҳокимлигига мурожаат этдим. Ҳокимиятдагилар режали қурилган дўкон бузилмайди, деб мени ишонтиришди. Шу орада Хонободдаги совға буюмлари кўргазмасида қатнашишга йўл олдим. У ердан келсам, «ўзи йўқнинг кўзи йўқ» қабилида иш тутилиб, дўконимни бузиб, вайрон этишибди. Ҳамма нозик асбобларим ва тайёр буюмларим, 36 та пичоқ ва 67 та пичоқ қини темир сандиқдан олиниб улоқтирилган. Текширувга келган шаҳар меъморчилик архитектори А. Неъматов бу ишларни ўз кўзи билан кўрди. Шаҳар ҳокимлиги марказий бозорда кўчма пештахта ўрнатиб савдо қилишимга рухсат берди. Шаҳар ҳокимлиги бузилган дўконни тиклаш учун 246-фармойиш билан марказий бозордан жой ажратиб, қурилишни назорат қилишни А. Неъматовга топширди. Ҳозирга келиб янги бозорнинг янги раҳбари А. Исроилов пештахтани ҳам бузиб юборди. Эндиликда мен оддий ҳунарманд уста аросатда қолдим. Нима учун бозор «хўжайин»лари миллий ҳунармандчилигимизни ҳурмат қилишмайди? Миллий совға буюмларини кўпайтириш, ҳунармандчиликни ривожлантириш ҳақида, кўп гапириладику, аслида, бу иш бозорда «оёқ-ости» қилинади.

Жўрабой РЎЗИЕВ,
Андижон шаҳри, пичоқчи уста.

«Хатлар, хатлар, хатлар» рукни материалларини Абдулла ПЎЛАТОВ саралади.

КЕТМОНННИНГ ЗАНГИ АРТИЛИБ ҚАЙТГАЧ...

Янги замон одами

Ҳатти-ҳаракат инсондаги рамздир. Ўшанга қараб, унинг кимлигини илғаса бўлади. «Шиддаткор одам экан!» Аъзамжон акани биринчи кўрганимдаги таассуротим шундай бўлган. Ҳозирам шу.

Тўғриси бундай шахдамлик унча-мунча ёшлардаям учрамайди. Шу иқрорга келатуриб, хулоса ясаган бўламан: «Балки бу ўз касбининг эъзози натижасидир».

— Иттифоқ даврида Москвада бўладиган халқаро ярмаркаларда қатнашардик. Ўзбекистондан қуйиб-пишиб, пахта олиб борганмиз. Ҳар хил қопда турли навлар жойланган бўларди. Америкаликлар, японлар, италянлар келиб кўрарди. Суҳбатлашардик. Уларга молимизни мақтардик. Ўзбек пахтасини кўрсатганимиздан суюниб юраверганмиз. Аммо бирон-бир давлат билан ўзаро шартнома тузиш мумкин эмасди бизга.

Аъзамжон ака бу аламли гапларни бежиз эсламади. Оддий ўзбек деҳқониниям мустабидлик зулми занжирлаб ташлаганлигининг боз исботи шу.

— Ёки шундай воқеа бўларди. «Марказ» хорижий давлатлар билан пахта олди-бердиси учун қиммат нархда шартнома тузарди. Бизга эса чиқинди ҳисобига баҳоланган шартномани кўрсатиб, арзимас чойчақа берарди. Буни билганимиз ҳолда жим эдик.

Суҳбатдошим шундан сўнг қўшиб қўяди.

— Мустақиллик биз пахтакорларга ҳуқуқ берди. Пахтамиз нархини ўзимиз белгилаймиз. Шартномалар тузамиз. Талашиб-тортишамиз. Чунки мулк бизники. Ўзимизники. Ўзбекники.

Дарвоқе, суҳбатдошим ҳақида. Аъзамжон Бўриев Ўзбекистон туманининг Худоёрхон қишлоғидан. Олий маълумотли. Тўрт фарзанди бор. Фарғона вилояти «Пахтасаноатсотиш» ҳиссадорлик бирлашмаси раиси.

— **Аъзамжон ака, ҳали айтганингиздек ўзимизнинг, ўзбекнинг деҳқони етиштирган ҳосилни сизлар нима қиляпсизлар?**

— Деҳқоннинг минг машаққат билан етиштирган пахтасини қайта ишлаб, жаҳон бозорига мос маҳсулот ҳозирламоқдамиз. Пахтани қайта ишлаш кўп тажриба ва технологик режимга қатъий риоя қилишни талаб қиладиган мураккаб соҳадир. Ҳиссадорлик бирлашмамизга қарашли 9 та пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятларида 6000 дан зиёд ишчи ва инженер-техник ходимлар меҳнат қилади. Ўтган йил 4 млрд. 522 млн. сўмдан ортиқ ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилиб, режа 105,6 фоизга бажарилди. Белгиланган шартномалар асосида истеъмолчиларга 100 фоиз маҳсулот етказиб берилди.

Бугунги кунда дунёнинг 40 дан ортиқ хорижий давлатларига пахта толасини жўнатмоқдамиз. Айниқса, Америка, Япония, Англия, Туркия, Швейцария, Италия, Корея, Франция, Италия каби давлатларга катта миқдорда тола экспорт қилиняпти.

— **Ишлаб чиқаришни ривожлантириш, янги технологик жараёнларни жорий қилиш мақсадида янги корхоналар қуришга ҳам эътибор бераяпсизларми?**

— Президентимизнинг қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш тўғрисидаги, ҳамда қишлоққа саноатни олиб келиш ҳақидаги йўриқларини бажара бориб, бирлашмамиз томонидан Боғдод туманининг Кенагас қишлоғида пахта тозалаш корхонаси ишга туширилган эди. Ҳозирги кунда Риштон туманининг Дўтир қишлоғида янги пахта тозалаш корхонаси қуриб, фойдаланишга топшириш арафасида турибди. Натижада, қишлоқ аҳолисининг 1000 дан зиёдига янги иш жойлари яратилади. Бундан ташқари Қўқон-1 ва иккинчи пахта тозалаш корхоналари учун маҳсулот сақланадиган омбордан, ишчи ва хизматчилар учун кўп қаватли турар-жой бинолари қурилиши давом этмоқда.

— **Шундоқ экан унда соҳа ходимлари, уларнинг оилаларига кўрсатилаётган ёрдам, шароитлар ҳақида батафсилроқ тўхталсангиз.**

— Пахта тозалаш корхоналарида меҳнат қилаётганлар учун 894 минг сўмлик пуллик хизмат кўрсатилди. 52 та пахта тайёрлов пунктларининг ҳар бирида маиший хизмат шахобчалари, ошхона, чойхоналар мунтазам ишлаб турибди. Ўтган йили 8 млн. 83 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари етказиб берилди. Ёки бўлмаса, 6 млн. 360 минг сўмлик тикувчилик маҳсулотлари, 686 минг сўмлик арқон, 13 минг сўмлик темир конструкциялар, 689 минг сўмлик ёрдамчи хўжалик маҳсулотлари ҳамда 334 минг сўмлик маиший пахта ишлаб чиқарилди. Бирлашмага қарашли ҳамма пахта тозалаш корхоналарида ёрдамчи хўжаликлар мавжуд бўлиб, ўтган йили 8,2 тн. гўшт, 52 минг литр сут етиштирилиб, ишчи-хизматчиларга тарқатилди. Бирлашмамиз жамоасининг фарзандлари учун Хангиз қишлоғида болалар оромгоҳи, Шоҳимардондаги ҳамда Каркидон сув омбори ҳудудида жойлашган дам олиш зоналари хизмат қилиб келмоқда. Келгусида Ўзбекистон туманидаги хушманзара ва экологик жиҳатдан соф ҳисобланган ерлардан бирида 240 ўринга мўлжалланган болалар ва катталар профилакторийси қурилиши мўлжалланмоқда.

— **Эришаётган ютуқларингиз пахта саноати ходимларининг деҳқонлар билан ҳамфикр ва ҳамжиҳат, бамаслаҳат иш олиб бориши натижасидир. Шундай эмасми?**

— Бу бор гап... Эрта баҳордан то кеч кузгача мутахассисларимиз хўжалик пахтакорлари, фермер хўжаликларида бўлиб шартнома шартларининг бажарилиши ҳақида ўртоқлашиб туришади.

1997 йил учун 182 та пахтакор хўжаликлар билан 375 минг тонна пахта ҳосилига шартнома тузилган. Унга асосан хўжаликларга Вазирлар Маҳкамаси ва Молия вазирлиги белгилаган босқичлар бўйича 3,5 млрддан зиёд бўнак пули берилиши лозим. Бугунги кунда жаъми 562 млн. сўм бўнак тариқасида пахта етиштирувчи хўжаликларга етказилди, 190 млн. сўм уруғлик чигит ҳисобидан берилди.

Маълумки, сифатли уруғ мўл ҳосил гарови ҳисобланади. Бу йил вилоят бўйича 127000 гектар майдонга чигит экилди. Шундан 20578 гектари плёнка остига. Жорий йил ҳосили учун уруғлик чигит тайёрлаш режаси 16 минг тонна бўлиб, режа ортиғи билан бажарилди. Хўжаликларга 13126 тонна сифатли уруғлик чигит ўз муддатида етказиб берилди.

Пахта хом-ашёсини сифатли тайёрлаш учун ўтган мавсумда ҳар бир заводда хўжалик вакиллари иштирокида кўргазмали семинарлар ташкил этилди. Унда пахтани қабул қилиш ва сақлаш бўйича давлат стандартлари, йўриқномалари ўқиб таҳлил қилиб берилди.

Бундан ташқари пунктлардаги қуритиш-тозалаш цехларини пухта таъмирлаш ишлари ҳам олиб борилмоқда.

Халқ депутатлари Фарғона вилоятининг навбатдан ташқари сессиясида ҳурматли Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганидек кадрларни жой-жойига қўйиш, уларни ўқитиш энг долзарб вазифалардан биридир. Бирлашма бўйича ўтган йили 55 нафар мутахассис Тошкентда соҳа бўйича ўз малакаларини ошириб келди. Ёш, билимли, ишбилармон ва тадбиркор мутахассислар раҳбарлик лавозимларига тавсия қилинмоқда. Қўқон-1 ва Олтиариқ пахта тозалаш корхоналари шулар жумласидандир. Ҳар йили анъана бўйича пахта тайёрлаш мавсуми бошланиши олдидан пахта тозалаш корхоналари ва тайёрлов пунктларининг масъул ходимлари аттестациядан ўтказилади. Ўтган йили аттестация комиссиясининг хулосасига кўра 7 нафар пахта пункти мудири, 11 нафар катта товаршунос, 5 нафар биринчи зона, 7 нафар учинчи зона товаршунослари, 5 нафар лаборатория мудирлари лавозимларидан бўшатилди.

Вилоятимиз ҳокими ҳам биздан фақат ишлайдиган, ҳалол, билимдон ходимларни жой-жойига қўйишни талаб қиляпти.

Ҳозирда бирлашмамиз пахтакорларнинг бурунги йилда етиштирган пахта ҳосилини қайта ишлашни якунлаш арафасида турибди. Эндиги навбат янги мавсумга пухта тайёргарлик кўриш, деҳқонлар меҳнатининг самарасини элга кўрсатишдан иборатдир.

— **Аъзамжон ака! Сиз деҳқоннинг пешона тери маҳсули ҳақида бафуржа фикр юритдингиз. Энди сўрамоқчи бўлганим шуки, деҳқоннинг роҳатини қандай ҳис этасиз?**

— Деҳқон ўз даласида кетмонининг зангини артиб, тонгдан тунгача ишлаб қайтади. Ўша чоғ унинг эшигидан болалари ризқи — мол-ҳол, емоқ-ичмоқ, рўзгор тебратишдан ҳатто ортиб, тўйга ғамлаб қўйиладиган меҳнат ҳақи изма-из кирса, ундан бахтли инсон йўқ. Деҳқон оиласидан бўлганим, акамлар деҳқон эканликлари-ю атрофимни деҳқонлар ўраб турганидан ҳам бунга иқрор ва гувоҳ бўлганман.

«Ўзбекистон овози» мухбири Қурбон ЭШМАТОВ суҳбатлашди.

ТИНЧЛИК ҚЎРҒОНИ

Эътироф

Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси фан ва таълим маркази мамлакатимизда кўпгина хайрли тадбирларни амалга оширяпти. Мухбиримиз марказ раиси доктор Одил ШИХА билан ана шу ҳақда суҳбатлашди.

— Миср — Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар хусусида гапириб ўтсангиз.

— Бугунги кунда давлатлар ўртасидаги ҳамкорликлар хусусида гапирганда негадир кўпроқ иқтисодий алоқаларга тўхталиб ўтиш одатга айланиб қолаётгандек туюлади. Лекин мен давлатлараро мустаҳкам ҳамкорликка фақат маданий алоқалар туфайлигина асос солинишини таъкидлаб ўтишни истардим. Миср ва Ўзбекистон алоқаларини олайлик. Мен бу ерда иш бошлашимдан анча аввалроқ ўзбек халқининг бой маданий мероси ҳақида тасаввурим бор эди. Чунки юртингиз ҳақида кўп ўқирдим. Шунданам марказ қошида Миср ҳақида ҳикоя қилувчи 1000 дан ортиқ китобга эга кутубхона ташкил этганмиз. Мамнуният билан шуни айтардимки, ўзбек ёшлари орасида истеъдодлилари жуда кўп. Улар илмга чанқоқ. Ҳар йили марказимиз шундай ёшларни энг нуфузли, Қоҳира, Энчалик университетларига ўқишга юборяпти. Кези келганда ўзбек ёшларининг иймон — эътиқоди бутлигини ва шу сабабдан уларнинг кўплари дунёдаги энг обрўли Ал-Изҳар университетида таҳсил олаётганини таъкидламоқчиман. Улар Ислом илму ҳадисларини чуқур ўзлаштиряптилар. Ўз навбатида мисрликлар Ўзбекистондаги ўзгаришларни қизиқиш билан кузатиб боради. Куни кеча Камол Танти университетидан доктор Муҳаммад Итоиб раҳбарлигидаги 21 нафар ёшлар делегацияси юртингиз билан танишди. Миср кинофестиваллари ўзбекистонликларга манзур бўляпти.

— Демак, юртимизда фаолият кўрсатаётганингиздан мамнун экансиз-да?

— Очиқ айтаман, Ўзбекистондаги олиб бораётган ишларимизни шунчаки хизматчилик, деб ҳис этмайман. Ўзбекистон Марказий Осиёдаги тинчлик қўрғони бўлиб турибди. Тарихга назар ташланг, қўрғонни ҳамиша одилона тинчлик сиёсати мустаҳкам тутиб турган. Ўтмишдаги буюк шоҳлар шундай салоҳиятга эга бўлган. Президентингиз Ислом Каримов тажрибали иқтисодчи, зукко сиёсий арбоблигини бутун жаҳон эътироф этяпти. Ислом Каримовнинг яқинда чоп этилган «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобини ўқиб чиқиб юқоридаги фикрим нақадар ҳақлигига яна бир карра инондим. Тинчлик энг катта бойлик. Инсоннинг маънавий баркамоллигигина жамиятда тинчлик, осойишталик ҳукм суришига олиб келади.

— Юртимизда рўй бераётган ўзгаришлар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингиз?

— Ўзбекистонда шу қисқа олти йил ичида катта ўзгаришлар бўляпти. Четдан кузатганда бу ўзгаришларнинг салобати яққолроқ кўринади. Юртбошингизнинг ички бозорларни «ўз маҳсулот»и билан таъминлаш сиёсати, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариб, жаҳонга экспорт қилиш каби сиёсатини қўллаб-қувватлайман. Негаки, жаҳон тажрибаси бу сиёсатнинг нечоғлик қадр-қийматга эга эканлигини кўп бора исботлаган. Ўзбекистон имкониятлари бой мамлакат.Иқтисодий имкониятдан ташқари ўзбек халқи қадимдан бой маданий меросга эга. Бу юртда 70 тадан ортиқ Миср компаниялари ишлаб турибди. Яқин келажакда Миср ва Ўзбекистон йўналишида янги авиарейс қатнай бошлайди.

Ўзбекистондаги тинчликни бугунги кунда бутун жаҳон кузатади, эътироф этади.

«Ўзбекистон овози» мухбири Саида ЙЎЛДОШЕВА суҳбатлашди.

ХОРИЖ МАТБУОТИ ЁЗАДИ

Дунёда тез хизмат кўрсатиш бўйича улкан индустриянинг етакчиси «Макдональдс» фирмаси ҳисобланади. У билан рақобатга дош беролмаган Американинг «Бургер Кинг» компанияси француз бозорини тарк этадиган бўлди, дея ёзади «Ассошиэйтед Пресс». Йил охиригача «Бургер Кинг» асосий қисми Парижда жойлашган ўзининг 16 ресторанини сотади. Мухбирнинг фикрича, фирма «Макдональдс» билан бўлган рақобатга дош беролмаган. Макдональдс»нинг жами 450 ресторани бўлиб, шундан 145 таси Парижда жойлашган. «Бургер Кинг» энди Британия, Испания, Германия бозорларида курашни давом эттиради.

* * *

«Дейли телеграф» газетаси хабарига кўра, Стокгольмдан беш юз чақирим жанубда жойлашган Швециянинг Хельсингборг шаҳри ҳокимияти крематорийларда ҳосил қилинадиган иссиқликдан уйларни иситишда фойдаланмоқчи, дея хабар берди «Интернет» ахборот агентлиги. Ҳокимият режалари черков вакилларининг қаршилигига дуч келмоқда. «Инсон танасини ёқиб, унинг иссиғидан бу тариқа фойдаланиш ўтакетган ахлоқсизликдир», — деди маҳаллий руҳоний Оке Даниэльсон журналистлар билан суҳбатда. Бироқ, бундай фикрларга қарамай, ҳокимият ўз режасидан қайтмоқчи эмас.

* * *

Миллионлаб Америка болалари қалқонсимон безларнинг ракка учраши касалига гирифтор бўлиш хавфи остида қолди, дея ёзади «Нью-Йорк Таймс» газетаси. Мақола муаллифига маълум бўлишича, 50-60 йилларда Невада штатида ядро қуролини синаш натижасида бу муҳитда йоднинг зарарли қисмлари даражаси ошиб кетган. Экспертларнинг айтишича, Невададаги муҳитнинг йод билан радиоактив зарарланиши Чернобиль ҳалокатидаги даражадан ўн баробар ортиқдир.

* * *

«Ассошиэйтед Пресс» хабарига кўра, келгуси йили биринчи марта Лондон шаҳри мэрлигига сайловлар ўтказилади. Бундай сайловлар ўтказиш режаси ўтган ҳафта лейбористлар ҳукумати томонидан эълон қилинди. Энди уни сайловчилар маъқуллаши керак. Ҳукумат режасига кўра, пойтахтни мэр ва 32 аъзодан иборат сайланган ассамблея бошқариши лозим. Матбуот ҳукуматдаги ислоҳотларни қўллаб-қувватламоқда.

Футбол

ТЎРТ ЎРИНГА ЎН БИР ДАЪВОГАР

Минглаб мухлислар ўзига хос бу жумбоқ ечими қандай бўлиши ҳақида ўйлашмоқда. Гап шундаки, келаси йили Францияда ўтказиладиган жаҳон футбол чемпионатига Осиё ва Океания минтақасидан 4 жамоанинг йўлланма олиши кўзда тутилган. Осиё минтақасининг дастлабки саралаш боқичидан муваффақиятли ўтган ўн жамоа қуръа ташлаш йўли билан икки гуруҳга бўлинди: Улар навбатдаги учрашувларга шайланмоқдалар. Ишқибозлар ана шу гуруҳ ғолибларини бевосита биттадан йўлланмага эга бўлишларини яхши биладилар. Аммо учинчи йўлланма учун гуруҳларда иккинчи ўринни олган жамоалар ўзаро баҳслашадилар. Тўртинчи ўринда қолган жамоа эса Океания минтақасида ғолиб келиб, йўлланмага даъвогарлик қилувчи Австралия футболчилари билан майдонга тушадилар.

Кўриниб турибдики, Францияга бориш осонмас. Албатта, ана шу йўлланмалардан бири Узбекистонга тегишини жуда истаймиз. Ниятлар мустажоб бўлиб, муддаога эришсак, мамлакатимиз футболи тарихида бетакрор саҳифа очилиши табиий. Аммо, ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Бунинг учун тер тўкиш, маҳорат кўрсатиш, жаҳон андозаларига мос уйнаш даркор бўлади. Мамлакат бош терма жамоасининг мураббийси Рустам Мирсодиқов таъбири билан айтганда, йўлланмага даъвогар жамоалар ўртасида «ожизи» йўқ. Мухлислар бу жамоаларнинг ҳар бири нималарга қодир эканини, майдонда қандай ҳаракат қилишларини эшитганлар, кўрганлар. Ҳар қалай юзимиз ёруғ бўлиши учун эзгулик йўлида саъй-ҳаракат қилиш зарур.

Айтайлик, футболчиларимиз тўп сурадиган гуруҳга кирувчи Япония жамоасини қандай уйнашини ким билмайди, дейсиз? Футболчиларимиз бу жамоа билан икки марта (0:1, 0:4) учрашишган. Корея футболчиларини Осиё ўйинларида (1:0) доғда қолдиришган. БАА жамоаси билан уйинда икки марта мағлубиятга учраган. Умумий ҳисоб 2:6. Қозоғистон футболчилари билан уйинда эса биттадан ютуқ, дуранг ва мағлубиятга эгамиз. Умумий ҳисоб 2:2. Уйлаймизки, футбол мутахассислари ана шу учрашувлардан келиб чиқадиган хулосаларга ҳам эътибор қиладилар. Энди республикамиз спорт жамоасининг ўз гуруҳидаги учрашувлари тартиби билан танишинг:

6—7 сентябрь. Япония — Ўзбекистон

12 сентябрь. Корея — Ўзбекистон

20 сентябрь. Қозоғистон — Ўзбекистон

27 сентябрь. Ўзбекистон — БАА

Такрорий ўйинлар

11 октябрь. Ўзбекистон — Япония

18—19 октябрь. Ўзбекистон — Корея

25 октябрь. Ўзбекистон — Қозоғистон

2 ноябрь. БАА — Ўзбекистон

Саккизта учрашув, 24 очко. Бундай имкониятдан ким қандай фойдаланаркин? Ҳар қалай омад келса, ҳеч гап эмас.

Мирзо АНВАР.

БЕШ ИЛДИЗЛИ БИР ЧИНОР

Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва бошқа мамлакатларнинг 60 га яқин иқтидорли мактаб ўқувчилари Тошкент вилоятида аэрокосмик машғулотларда қатнашмоқда. Машғулотларни ташкил этишда—«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги катта ёрдам берди.

* * *

2000 йилнинг 1 июлидан 31 октябригача Германиянинг Ганновер шаҳрида «Инсон-табиат-техника» шиори остида халқаро «ЭКСПО-2000» кўргазмаси бўлиб ўтади. Ана шу кўргазмада ўзининг гидроэнергетика, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда эришган ютуқлари билан Тожикистон ҳам қатнашадиган бўлди.

Шу муносабат билан, яқинда «ЭКСПО-2000»нинг минтақавий маслаҳатчиси Рюдигер Тамм раҳбарлигидаги делегация аъзолари Тожикистонда бўлди. Меҳмонлар республика раҳбарияти, қатор вазирлик ва идоралар раҳбарлари билан учрашиб, кўргазмага тайёргарлик ишлари билан танишди.

Марказий Осиёда уяли алоқа етакчиси

1992 йил

1994 йил

1997 йил



UZDUNROBITA cellular

— бу энг замонавий асбоб-ускуналар, абонентларга сифатли хизмат кўрсатиш бўлибгина қолмай, балки

ЭНГ МУКАММАЛ УЯЛИ ТЕЛЕФОНЛАРДИР.

Ғаройиб янгиликка ҳозирланинг: фақат «Уздунробита» компанияси сотувга уяли телефонни, ЖАҲОНДА БИРИНЧИ чинакам мўъжаз, оғирлиги бор-йўғи 77 грамм бўлган Star TAC уяли аппаратини таклиф этмоқда!

Жаҳондаги энг кичик ва энг енгил телефоннинг нодир кўриниши уни исталган ерга ёнингизда олиб боришга имкон беради, фойдаланишда қулайлик яратади.

У СИЗНИНГ ТУРМУШ ТАРЗИНГИЗНИ ЎЗГАРТИРИБ ЮБОРАДИ!

Батареялар ишлаб чиқариш технологиясининг янги даражаси шундай озиқлантириш манбаларини яратишга имкон берадики, уларнинг оғирлиги ва ўлчами оддий батареяларникига нисбатан кичик бўлган ҳолда катта сиғимлидир. Шу боис Сиз заҳира батареяларни чўнтагингизда ёки ҳамёнингизда бемалол олиб юришингиз мумкин. Зарядлаш қурилмаси бевосита телефоннинг ўзига ўрнатилган, бу эса батареяларни осон ва тез қувватлантиришга имкон беради.

Тез ва қулай алоқа. ***Ёнбош панелда қулай жойлашган Ўрта тугмача ва овозни созлаш тугмачаларидан фойдаланиб Сиз телефон вазифаларидан тез ва осон фойдаланишингиз, ўзида ўрнатилган ёзув дафтарчасидан зарур номерни топишингиз, қўнғироқлар қилиш ва келаётган чақирувларга жавоб беришингиз мумкин. Телефон вазифаларидан фойдаланиш ишини меню енгиллаштиради. Уни бошқариш ана шу клавишлар ёрдамида амалга оширилади.***

ЛЕКИН БУЛАР ҲАЛИ ҲАММАСИ ЭМАС!

Умумхалқ байрами — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 6 йиллиги шарафига илк бор «Уздунробита» қўшма корхонаси абоненти бўлишга қарор қилган барча кишилар учун ЯГОНА ИМКОНИЯТ!

1997 йилнинг 5 августидан 10 сентябригача биз Сизларга энг замонавий Star TAC аппарати, тизимга улаш ва сўзлашувлар учун олдиндан ҳақ тўлаш қийматини ўз ичига олган хизматларнинг байрамона мажмуини — 25 ФОИЗЛИК ЧЕГИРМА БИЛАН — харид этишни таклиф этамиз.

БАРЧА ЭНГ ЯХШИ ВА ЭНГ ЗАМОНАВИЙ НАРСАЛАР — «УЗДУНРОБИТА» ҚЎШМА КОРХОНАСИДА СИЗЛАР УЧУН МУҲАЙЁ!

O‘ZBEKISTON OVOZI

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 5 avgust, seshanba № 91 (22.175).

Gazeta 1918- yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Vatanni sevmak iymondandur!

ЯНГИ «ХАМСА» МУБОРАК!

Ҳозирги замон ўзбек шеъриятининг забардаст намояндаларидан бири, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотининг лауреати, атоқли шоир ва мутафаккир Барот Бойқобилов Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий (у аввал «Хамса» яратган, кейин икки достон қўшиб «Ҳафт авранг» деб атаган), Алишер Навоий каби ўзининг улуғ салафлари панжаларига дадил панжа уриб, уларнинг оғир ва залворли юкларини азот кўтариб, бизнинг ҳассос, шарафли ва саодатли замонамизда янги «Хамса» яратиш шарафига муяссар бўлди. «Навоийнома» деб аталмиш «Чоркитоб» («Нотинч Хуросон», «Шукуҳли карвон», «Сокин Хуросон», «Қонли Хуросон») силсиласини давом эттириб, зукко шоиримиз «Ҳайратул Аҳрор»[1] номли улкан ажойиб достон яратди ва мазкур беш достонини Барот Бойқобилов ҳақли равишда «Хамса» деб атаган. Чунки «Навоийнома»нинг янги бешинчи китоби «Ҳайратул Аҳрор»да ҳам тарихимиздаги энг ёрқин давр ҳисобланган XV аср ҳақида, ўшал бағоят равшан, серунум, ҳайратомуз, ниҳоятда алғов-далғовли, ўта мураккаб замонда яшаб ўтган Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Ҳусайн Бойқаро, Камолиддин Беҳзод, Хожа Аҳрор Валий сингари юзлаб буюк аждодларимиз тўғрисида алоҳида эҳтирос, шавқ-завқ билан ҳикоя қилинади. Албатта, янги достон Жомий, Навоий, Бобурларнинг пири-муршиди, бутун бир аср — XV — юз йиллик осмонидаги энг порлоқ юлдуз, Моваройнаҳр ва Хуросон халқларининг ўшал замонадаги забардаст маънавият чинори, Хожагон (Нақшбандия) тасаввуфий тариқатининг улкан машойихи улуғ мутасаввиф донишманд Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ (Хожа Аҳрор Валий) ал-Шоший ас-Самарқандий (1404-1494)нинг бағоят хайрли, савобли ва сермаҳсул ҳаёти ва жўшқин фаолиятларига бағишланган.

Шу фикрни алоҳида таъкидлаб ўтайликки, донишманд шоиримиз Барот Бойқобиловнинг ушбу қимматбаҳо асари Истиқлолимизнинг бағоят ширин ва арзишли меваларидан биридир. Чунки сўнгги 70-80 йиллик тоталитаризм даврида Хожа Аҳрор Валий ҳам Яссавий, Ғиждувоний, Кубро, Нақшбанд каби юзлаб буюк донишманд бобокалонларимиз қатори ёмонотлиқ қилиб келинар эди. XV аср маданий ҳаёти тўғрисида ёзган адиб ва олимларимизнинг деярли ҳаммалари ноҳақ равишда Хожа Аҳрор Валийни «феодал», «йирик мол-мулк эгаси», «ибтидоий шахс», ҳатто «Мирзо Улуғбекнинг қатл этилишида қўли бор», дея қора бўёқларда тасвирлаб келардилар. Ҳатто шу кунларда ҳам баъзи бир адиб ва олимларимиз бузургвор Хожамизнинг барҳаёт ва забардаст руҳи поклари олдида тавба-тазарру қилиш ўрнига, отдан тушсаларда, эгардан тушмасдан «Хожа Аҳрор тўғрисидаги ҳақиқатни биз-нинг асримизда маълум қилиб бўлмайди», «биз ҳали ундай шахсиятларни баҳолашга тайёр эмасмиз», дея онда-сонда бўлса ҳам мухторона фикр-мулоҳазалар билдириб қўймоқдалар.

Лекин жасур, дадил ва заҳматкаш шоиримиз Барот Бойқобилов 1991 йилдан сўнгги Истиқлолимиз берган қулай ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ва мафкуравий шароитдан унумли фойдаланиб, бузургвор мутасаввиф донишманд бобокалонимиз Ҳазрати Эшон шахсияти, нуроний қиёфаси олдида сўнгги 70-80 йиллик мустамлака даврида қаланиб ётган совуқ мунжамид муз-ликларни ўта дадиллик билан буза ва парчалай олган.

Барот Бойқобилов кейинги уч йил мобайнида ҳазрати Хожа Аҳрор ҳақида беш юз тўқсон икки бетлик, дебоча, тўрт фасл (боб), 12 ҳайрат, хотимадан иборат ажойиб, ўқимишли, маснавийда улкан шеърий достон яратди.

Ушбу мақоламизнинг бошида мазкур достонни Истиқлолимизнинг жуда кўп ширин-шакар меваларидан бири деб атаган эдик. Ўзининг ва элининг бахтли қисматидан шукргузор, инсофли ва диёнатли шоир Барот Бойқобилов достоннинг бошланиш қисмида Истиқлолимиздан кейинги қулай шароит, Хожа Аҳрордек мураккаб сиймоларни эъзозлаш учун пайдо бўлган қулай ва мусоид муҳит ҳамда ўшал ажойиб ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий муҳитнинг ижодкори муҳтарам юртбошимиз ҳақида қуйидагидек қўйма ва мазмундор сатрлар битади:

«Минг шукрки, улус бахти бор экан,
Ҳақ таоло ўзи унга ёр экан.

Бўлмаса гар Улуғ Инсон раҳнамо,
Ҳурриятни кўрмак эди муаммо.

У Темурдай майдон аро от солди,
Элим деб, юртим деб шердай қўзғолди.

Эл якдил эргашди изидан унинг,
Ҳурлик жабҳасига отилди минг-минг.

Жаҳон саҳнасига чиқди пурвиқор,
Адолат ўрнатди юртда устувор...

Юз йилда бир марта чиқур бундай Зот,
Ватан осмонида порлоқ кундай Зот...

Шуҳрати тарихни буркасин шонга,
Оллоҳ берди уни Ўзбекистонга!»

Хожа Аҳрор Валийнинг ҳаёти, ижоди ва фаолиятларига оид тарихий манбаларни, маълумотларни пухта ўрганган Барот Бойқобилов Хожанинг 1404 йилда Тошкентда Хожа Маҳмуд оиласида таваллуд топиши, унинг аждодлари Қаффол Шоший, Хожа Муҳаммад Номий ҳамда Шайх Ховандн Таҳур каби буюк Зотларга бориб боғланиши, сермазмун ҳаётидаги энг муҳим воқеалар, Боғистон ҳамда Тошкентда ўтган болалиги ва ўсмирлиги, Самарқанд, Ҳирот ҳамда бошқа жойларга қилган узоқ сафарлари, умуман, Ҳазрати Эшоннинг ажойиб, ҳайратомуз, савобли ва хайрли, қарийб тўқсон ёшлик ҳаёти ҳамда сермазмун фаолиятлари тўғрисида кучли ва эҳтиросли шоирона илҳом билан тарихий воқеа-ҳодисаларга мутобиқ равишда батафсил ҳикоя қилади.

Маълумки, Хожанинг она томонидан бобокалони XIV асрдаги йирик мутасаввиф донишманд Шайх Умар Боғистоний бўлган. Бу Шайх Шоҳ Нақшбандининг яқин дўсти ва суҳбатдоши бўлган. Шайх Умар Боғистоний ўғли Шайх Ховандн Таҳур (Хожанинг волидаи муҳтарамалари отасининг отаси)га шундай деб васият қилган экан: «Таҳур, эшон бўлма, мулло бўлма, суфи бўлма, мусулмон бўл!» Қўлёзма манбаларда ёзилишича, Хожа Убайдуллоҳ мана шу васиятнинг асл маъносини англаш учун узоқ сафарлар қилиб то Ҳиротгача боради, лекин бирорта машойих бу гапнинг асл мазмунини чақиб беролмайди. Ахир пировардида бу гапнинг мазмунини Хожага Баҳовуддин Нақшбанд шогирдларидан бири Мавлоно Яъқуб Чархий тушунтириб беради. Шунинг учун ҳам Хожа Убайдуллоҳ Мавлоно Яъқуби Чархийни (Нақшбандининг шогирдини) ўзига пир-муршид сифатида танлайди. Барот Бойқобилов Хожа Убайдуллоҳнинг бутун умри бўйича асосий мақсади бўлмиш юқоридаги шиорни — мусулмончиликнинг асл моҳиятини тарихий фактларга таянган ҳолда Ҳазрати Эшон тилидан шундай таъриф қилади:

«Яхшилик — муслимлик қасрин зевари,
Кишилик ҳусни-ю умр гавҳари.

Олий мартабага етса ҳам инсон,
Яхшилик қилмаса бўлмас мусулмон.

Фуқаро ғамини ҳар киши еса,
Арзийди ўзини мусулмон деса.

Шод қилса қай инсон бир мусулмонни,
Мурувват зарига ўрар жаҳонни.

Бир муслимга меҳр кўргазган башар,
Инсонлик тожини дур билан безар.

Бир муҳтож бошини силаган киши,
Қўнглини ўстирар савобли иши.

Иймонли кишилар мусулмон бўлғай,
Қўнгли тиканзормас, гулистон бўлғай».

Демак, Барот Бойқобилов ўз достонида тўғри кўрсатиб берганидек, Хожа Аҳрор Валий ўз бобокалони Шайх Умар Боғистонийнинг васиятини бажармоқ ниятида қарийб тўқсон йиллик узоқ ва шарафли умри жараёнида ҳақиқий мусулмон, яъни чин инсон, яхши ва нек инсон, Мукаммал Инсон бўлишга интилиб яшаган!

Хожа Аҳрор Валий ҳаёти ва фаолиятига оид бир муҳим масала — ўтган тоталитаризм даврида кўп айтилган ҳамда ёзилган, ҳозир ҳам онда-сонда эшитилиб турадиган гап — Ҳазрати Хожанинг йирик мол-мулк ва минг-минг гектарлаб жойдодлар эгаси бўлганлигидир. Хожагон (Нақшбандия) тариқатининг XV асрдаги йирик машойихи бўлмиш Хожа Аҳрор тасаввуфий тариқатни энг баланд чўққига олиб чиққан, айтиш мумкинки, Нақшбандия тариқатини бағоят ривожлантириб бир юз саксон даражага бориб юборган. Яъни, XIV асрда Шоҳ Нақшбанд ҳукмдорга яқинлашмай, улардан узоқ юрган бўлса, XV асрга келиб Хожа Аҳрор Валий тариқатдаги анъанани бузган, ҳукмдорларга яқинлашган, ҳатто уларни ўзига тобеъ қилиб олган. Ҳазрати Эшоннинг ўзлари айтганларидек, мусулмонларни золимларнинг зулми ва шарридан халос этмоқ учун ҳукмдорларга яқинлашганлар; улар билан ихтилот (суҳбат) қилганлар. Шу йўсинда Ҳазрати Эшоннинг обрў-эътибори бениҳоя ошиб, ул Хожа нафақат Моваройнаҳр ва Хуросонда, балки, Алишер Навоий таъбири билан айтадиган бўлсак, ҳатто Шом (Сурия)дан то Ҳиндгача бўлган мусулмонлар мулкларида унинг обрў-эътибори бағоят баланд бўлган ва ўшал мусулмон мамлакатлари ҳукмдорлари Ҳазрати Эшоннинг ҳукми-фармонида бўлганлар. Демак, тахминан 40 йил мобайнида 27 мамлакатни ўз қаламравига (ҳудудига) олган улкан мусулмон минтақаси халқлари Ҳазрати Эшон обрў-эътибори, лутфу карами ва эҳсони туфайли тинч ва ором яшаганлар. Бу — Ҳазрати Эшонимизнинг XV асрдаги инсоният олдидаги, Тангри таъоло ҳузуридаги, ўзларининг пок виждонлари, иймон-эътиқодлари олдидаги буюк инсоний ва илоҳий хизматлари эди! Ҳазрати Эшоннинг яна бир муҳим хизматлари шундаки, Моваройнаҳрдаги ул Зоти покнинг беқиёс ерлари, мол-мулклари таркибида минглаб оддий деҳқонларнинг ерлари ҳам бўлган ва ўшал камбағал деҳқонлар турли-туман солиқлардан қутулиб, бузург Хожа соялари остида ором, тинч ва осойишта ҳаёт кечирганлар.

Ҳазрати Эшон ҳаёти ва фаолиятларига оид Нақшбандия тариқатининг мазкур мураккаб муаммоларини ўша давр тарихий маълумотлари асосида пухта ўрганган олим-шоир Барот Бойқобилов ўз достонида Султон Абу Саъид ва Хожа муносабатлари орқали тўғри ва ишонарли тасвирлайди.

Достондаги асосий қаҳрамон Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ XV асрдаги Хожагон (Нақшбандия) тариқатининг энг йирик машойихи бўлгани учун Барот Бойқобилов тасаввуфий тариқатларни, айниқса Хожагон (Нақшбандия) тариқатини, унинг асосий ўн бир қоидаси (одоби)ни, тариқатнинг асл моҳиятини пухта ўрганиб чиққан ва ўзининг бадиий асарида бундай мураккаб масалалар тўғрисида бемалол ва озодона баҳслар юрита олган. Достондаги олтинчи ҳайратнинг 2-3 қисмларида Хожагон (Нақшбандия) тариқати, унинг Юсуф Ҳамадоний, Абдуҳолиқ Ғиждувоний ва Баҳовуддин Нақшбандлар томонидан ишлаб чиқилган ўн бир қоида (одоби): («Ҳуш дар дам», «Назар бар қадам», «Сафар дар ватан», «Хилват дар анжуман», «Ёдкард», «Бозгашт», «Нигоҳдашт», «Ёддошт», «Вуқуфи ададий», «Вуқуфи замоний», «Вуқуфи қалбий») ҳақида бемалол назмий баҳс юритилади. Айтиш мумкинки, шоир Барот Бойқобилов томонидан Хожагон (Нақшбандия) таълимотининг энг муҳим ўн бир зинаси (одоби), яъни қоидаси илк дафъа маснавий тарзида тўғри ва маъқул равишда шеърий йўлга солинган.

Хожагон (Нақшбандия) тариқатининг асосийлари бўлмиш ҳамда илк дафъа Абдулхолиқ Ғиждувоний томонидан айтилган асосий шиор ва шоҳ байтни: «Даст бакору дил ба ёр!», «Дари хилват банду дари суҳбатро кушой, Дари шайхийро банду дари йорийро кушой» (Хилват эшигини ёпиб, суҳбат эшигини оч, шайхлик эшигини бекитиб, ёрлик (дўстлик) эшигини оч!) ҳам Барот Бойқобилов достонида ўз ўрнини топиб қойилмақом тарзда, маъқул ва тўғри йўсинда тасвирланган.

Хожагон (Нақшбандия) тариқатини ва таълимотини бутун дунё халқларига маъруф ва манзур қилган, таълимотнинг зеваройти бўлмиш поклик, ҳалоллик, ватанпарварлик, яхшилик, мурувват, меҳр-шафқат, турли-туман ҳунарлар эгаллаб шарафли кун кўриш, зулм-истибдодга қарши кураш сингари энг муҳим умуминсоний, умумисломий, илғор ахлоқий қадриятлар ҳақида ўринли сўз юритиб, Барот Бойқобилов қуйидагидек ажойиб қўйма ва дур монанд байтлар бита олган:

«Истифода этиб ўзга меҳнатин,
Эътироф қилмасдан ўзга хизматин,

Текинхўрлик ила ким ўтказса кун,
Хилоф деб топдилар ҳаётта бутун.

Тарки дунё қилса қайси бир банда,
Ё ҳаёт қўйида бўлса афканда,

Меҳнатга чорлашди бу аҳли миллат,
Бандани безайди, дедилар, меҳнат.

Пешона терини тўкиб дурсимон,
Ўз ризқин яратсин дедилар, инсон.

Меҳнат қилган киши муродга еттай,
Ҳаёти ҳаловат уйида ўтгай».

Азиз фарзандлари ўшал бузургвор Эшонимиз авлодларига мансуб бўлган Барот Бойқобилов ўз достонида буюк Валийуллоҳнинг хайрли юмушларидан, савобли фаолиятларидан кўплаб ибратомуз, ўта қизиқарли мисоллар келтиради. Биз фақат Барот Бойқобилов тасвиридаги Ҳазрати Хожамизнинг Шоҳруҳия ёнидаги улуғ бир хизматини, фазилатли ва хайрли юмушини эсламоқчимиз. Самарқанд, Фарғона ва Тошкент ҳукмдорлари бўлмиш уч темурийзода биродар (Султон Аҳмадхон, Султон Маҳмудхон ва Умаршайх Мирзо) уч томондан икки юз мингга яқин лашкар тўплаб ўзаро даҳшатли хунрезлик жанггига отландилар. Буни сезиб қолган Хожа Аҳрор шогирдлари Муҳаммад Қози, Фахриддин Али ас-Сафий («Рашаҳот айн-ул-ҳаёт» муаллифи)лар билан Чиноз атрофига аввалроқ етиб келиб, бўлажак жанг майдонига чодир ўрнатдириб, «Қуръони мажид»ни муборак қўлларига олиб, ажойиб каромат-лар кўрсатиб, лутф-эҳсон, мўъжиза, панд-насиҳатлар қиладилар; уч биродар темурий шаҳзодаларнинг бошларини қовуштириб, тавба-тазарруҳ этдириб, оштий — яраша келтирадилар ва жафокаш Туркистон аҳолисини навбатдаги қонли ва фожиали хунрезлик ва биродаркушликдан сақлаб қоладилар. Бундай ноёб тарихий ҳодисани (Сулҳ жараёни ва шаҳзодалар ички кайфиятларини) Барот Бойқобилов ўз достонида шундай ҳаяжонли равишда тасвирлайди:

«Аҳмад Мирзо келиб кирди чодирга,
Акобир жой олди у билан бирга.
Кейин эса Ҳазрат отланиб шаҳдам,
Маҳмудхон, Умаршайх мирзоларни ҳам,
Одамлари билан бошлаб келдилар,
Маросим шартига амал қилдилар.
Чодир яқинига келди-да улар,
Учқур отларидан дадил тушдилар.
Шу пайт Аҳмад мирзо чиқиб чодирдан,
Аҳли жоҳ-ла кутиб олди қадрлаб,
Маҳмудхонга Ҳазрат қилиб пешравлик,
Аввал унга берди гўё сийловлик.
Аҳмад Мирзо қучоқ очиб кўришди,
Бир дақиқа қучоқлашиб туришди.
Умаршайх мирзога сўнг келди навбат,
Йўлбошчилик қилди унга ҳам Ҳазрат.
Умаршайх акаси Аҳмад Мирзонинг,
Салтанат тахтида бир жонфизонинг,
Қўлларини юзларига суртарди,
Юзга суртиб ўксиб-ўксиб йиғларди...
Аҳмад Мирзонинг ҳам дардлари қўпиб,
Азиз укасининг бўйнидан ўпиб,
Тинмай йиғлар эди кўнгли ўксиниб,
Кўнгли синиб — йиғлар эди ўкиниб.
Бундай манзарани кузатганки жон,
Оҳ уриб оламдан, чекарди фиғон.
Қўшилиб йиғларди кекса-ёшлар ҳам,
Йиғини билмаган бағри тошлар ҳам».

Қимматбаҳо тарихий асарлар ва қўлёзма манбалар асосида бағоят қизиқарли равишда ёзилган ушбу достонда, назаримизда, яна бир муҳим масала — Султон Мирзо Улуғбек ва Хожа Аҳрор Валий муносабатлари масаласи қаламга олинган ва ижобий ҳал этилган. Маълумки, бу муҳим масалага ўтмиш тоталитаризм даврида деярли барча илмий, адабий, драматик асарларда қўпол равишда салбий ёндошилиб, гуёки, Хожа Аҳрор Валий ўшал замондаги иртижоий ҳалокатлар тепасида турган, ҳаттоки, Мирзо Улуғбекнинг вахшиёна қатлида Ҳазрати Эшоннинг қўли бор, дейилишигача бориб етилган эди. Барот Бойқобилов Мирзо Улуғбек ва Хожа Аҳрор Валий даврига оид ўшал иккала буюк Зот муносабатлари ҳақида ҳам қўлёзма, ҳам нашр бўлган маълумотларни пухта синчиклаб ўрганган ва ўз достонида мазкур масалани ижобий ва тўғри ҳал эта олган. Самарқанд тахтида ўтирган доно ва олим Султон Мирзо Улуғбек билан ўша пайтда нисбатан анча ёш бўлган толиби илм Хожа Аҳрор Валий ўртасидаги муносабатлар ғоятда дўстона ва самимий бўлганлигини кўрсатган.

Достондаги тўртинчи ҳайратнинг 6-бўлимида ҳикоя қилинишича, оқ от миниб мадраса ёнига келган Султон Мирзо Улуғбекка Шайх Қосим Тошканддан келган ёш толиби илм Хожа Убайдуллоҳни Мирзо Улуғбекка таништириш асносида унинг Самарқандга илм истаб Тошкентдан келганлигини, аждодлари Шош вилоятидаги Умар Боғистоний, шайх Ховандн Таҳур — Туркистон элининг машҳур ва манзур машойихлар, авлиё Зотлар бўлиб ўтганликларини айтади. Мирзо Улуғбек ҳам ёш толиби илмнинг бузургвор аждодларидан бохабар эканлигини, азиз сулолага мансуб эканлигини ва уларнинг эҳтиромларини маргуб этишлигини, покзод фарзанд асло нопок ишлар қилмаслигини, нокаслар мажлисини кузига илмаслигини пешбинлик этиб лутф қилади. Сўнгра ўз навбатида мажлис аҳли орасида ёш толиби илм Хожа Убайдуллоҳ чуқур самимий ҳурмат ила Мирзо Улуғбекка қарата шундай дейди:

«Кўҳакда қурилмиш олий иморат,
Буюк заковатдин қилур башорат.
Ўзимни унутдим қилиб томоша
Эл келмиш кўргани тоғу тош оша.
Дурбийндин фалакка тикдим кўзимни,
Не кўзим, фалакда сездим ўзимни.
Юлдузлар кўринди кўзимга ошно,
Этиб тўққиз ошён осмонни рўшно.
Ҳайратдин ушладим, нетай, яқони,
Сайрибоғ эттандек бўлдим фазони.
Кузатдим фалакнинг ҳодисотини,
Ҳудойим яратган мўъжизотини.
Қуллуқлар келтириб қодир Оллоҳга,
Омадлар тиладим Олампаноҳга».

Назаримизда, юқоридаги шеърий сатрлар Мирзо Улуғбек билан Хожа Аҳрор Валий ўртасидаги муносабатларнинг ғоятда самимий, дўстона, лутфу меҳрибонликка тўла эканлигини исботлайди ва яқин ўтмишда тарихимиздаги бу иккала мўътабар зот тўғрисида тўқилган зарарли ва ғаразли фикрларнинг беасослигини исботлайди, ҳатто бизнинг кунларимизда ҳам бузургвор Хожага нисбатан ишончсизлик ва эҳтиёткорлик билан қараётган айрим зиёлиларимизнинг бироз бўлса-да ўйга солса ажаб эрмас, деб ўйлагимиз келади.

Барот Бойқобилов ҳам ўз достонида тўғри тасвирлаганидек, Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ ўзининг сал кам тўқсон йиллик узоқ ва шарафли ҳаёти жараёнида Моваройнаҳр ва Хуросонда жуда кўп кишилар билан учрашган ва суҳбатлашган. Ўз замондошлари бўлмиш Мирзо Улуғбек, Султон Абу Саъид, Мавлоно Яъқуб Чархий, Абдураҳмон Жомий, Саъдуддин Қошғарий, Мавлоно Лутфий, Алишер Навоий, Қосим Анвар каби юзлаб сўтонлар, мутасаввиф донишмандлар, олимлар, шоирлар, ҳунармандлар Ҳазрати Эшоннинг самимий суҳбатларидан, панд-насиҳатларидан, йўл-йўриқларидан мустафед бўлишган.

«Ҳайратул-Аҳрор» достонида тўғри ифодаланганидек, Ҳазрати Хожа Шош вилоятидаги жаннатмакон Боғистон кўчаларидаги ёш болалик, ўсмирлик чоғларидан тортиб, тўқсонга яқинлашиб, Самарқанд вилоятининг гўзал Камонгарон тоғли қишлоғида оғир хасталик билан тўшакда ётиб қолганига қадар ўта фаол ҳаёт кечирган, ғоҳ султону ҳукмдорлар, ғоҳ олиму шоирлар, ғоҳ ҳунарманду деҳқонлар, ғоҳ ғарибу ғураболар билан мулоқотда бўлганлар, ҳуллас, умрбод улус орасида бўлганлар ва уларнинг хизматида камарбаста бўлиб турганлар.

Достоннинг 180-181 бетларида берилган қизиқ бир суҳбат жараёнига диққат қилайлик. Бунда сўлим Ҳирот шаҳрида Шайх Саъдуддин Қошғарий билан Хожа Убайдуллоҳ орасида бўлиб ўтган қизиқарли мусоҳиба жараёнидан бир парча келтирилади. Мазкур суҳбат жараёнида бўлиб ўтган гаплардан Хожагон (Нақшбандия) тариқатининг икки забардаст машойихлари орасидаги ушбу дилнишин суҳбатларидан тасаввуф олами, аҳлуллоҳ ҳаёт тарзи ва тариқат моҳиятидан ҳам хабардор бўлишимиз мумкин:

Убайдуллоҳ деди боши осмонда:
«Осойиш айёми кулган замонда,
Аҳли миллат ила бўлсам мусоҳиб,
Аҳли ҳол хизматин кўрсам муносиб.
Кошки, имдод этса аҳли ҳақиқат,
Фақирни англаса аҳли тариқат».
Шайх деди: «Интилса руҳоният гар,
Тасаввуф олами бўлгай мунаввар.
Бул шундай оламки, тоза иқлими,
Баҳра олгай бани башар муқбили.
Бул шундай оламки, бирор нопок зот,
Анга кирай деса тополмас нажот.
Бул шундай оламки, нокас эрса ким,
Эшиги ёпиқдур мисоли тилсим.
Бул шундай оламки, аҳли салоҳ жамъ,
Эзгулик ҳавоси жонларга малҳам.
Бул шундай оламки, покзод ва покрой,
Мутасаввиф аҳли анга кўрк, чирой.
Бул шундай оламки, Оллоҳ йўлида,
Фидойи бандаларнинг Оллоҳ дилида.
Оллоҳга етишмак истаган киши,
Эзгулик, сахийлик, покликдир иши.
Пок бўлса ботину зоҳири онинг,
Мусаффо бандаси бўлгай Худонинг.
Ҳаққа бағишласа ўзин бандаси,
Бўлмагай қулфату ғам афкандаси.
Мусоҳиб бўлсалар Убайдуллоҳга,
Ҳақ қилгай иноят аҳли салоҳга».

Абдураҳмон Жомийнинг устози бўлган ва Ҳиротда Хожа Убайдуллоҳга ҳам беш йил ҳамсуҳбат бўлиб Хожагон тариқатининг сир-асрорларини ўргатган Шайх Саъдуддин Қошғарийнинг юқоридаги гапларида тасаввуф аҳлининг асосий белгилари, ҳаёт тарзлари, солик олдига қўйиладиган асосий шарт-шароитлар тўғри ва маъқул ифода этилган. Тасаввуф масалаларини сўнгги 5-6 йил ичида энди ўргана бошлаганимиз бизнинг шароитимизда ҳам шоир Барот Бойқобилов достонида берилган бундай маълумотлар тасаввуф масалалари билан қизиқувчи ҳозирги ўқувчилар учун ҳам фойдадан ҳоли бўлмаса керак, деб ўйлаймиз.

Барот Бойқобилов зўр қайғу ва ҳасрат билан, алоҳида ҳаяжон ила ёзганидек, бузургвор Хожамиз 1494 йилнинг кеч кузида Самарқанд вилоятидаги тоғли жаннатмакон маъво Камонгарон қишлоғига келади, бу ерда оғир хасталаниб изғиринли қиш бошлангунга қадар қолиб кетади, охир-пировардида оғир хасталик ва қарилик ул муборак зотни енгиб, беш ой кам тўқсон ёшида Ҳазрати Эшон ўзи севган тоғли ғўша Камонгаронда ҳаёт билан видолашади. Она табиат ҳам севимли фарзанди ила видолашгандек, хайрбод асносида қаттиқ зилзила юз беради, бутун Камонгарон аҳолиси, Барот Бойқобилов айтганидек, «Отамлаб» йиғлаб қолади. Бузургвор пир-муршиднинг пок, муборак жасадлари Самарқандга келтирилиб Хожа Кафший маҳалласига дафн этилади. Ҳозир ҳам бу азиз ва мўътабар маскан нафақат Самарқанд, нафақат Туркистон аҳолиси учун, балки, бутун мусулмон олами халқлари учун энг азиз ва мўътабар муқаддас қадамжо ҳисобланади.

Заҳматкаш ва забардаст шоир Барот Бойқобилов достонининг Хотима қисмида ўзининг бузургвор қаҳрамони — Ҳазрати Хожа Аҳрор Валийнинг жаҳонаро аҳамиятини ва улуғ қадр-қимматини ҳазрати Навоий фикрларини таъкидлаб мана шундай қўйма ва пурҳаяжон сатрларда ифода этади:

«Хожа Убайдуллоҳ эдилар бу Зот,
Ҳаёти, аъмоли асл мўъжизот.
Хитодин токи Рум уни олиб тан,
Муқаддас қалбида топдилар Ватан.
Қошида тиз чўкди шоҳу гадолар,
Оқимдан тўхтади сойлар, дарёлар.
Бахт, нажот тилади аҳли Туркистон,
Не Туркистон, аҳли Ажам, Хуросон.
Амир Темур насли унга толпинди,
Пир дебон илкини ўпиб, топинди.
Йигирма етти мулк шоҳу султони,
Улуғ Эшон, дебон сийлади они.
Амри-фармонига қилиб итоат,
Кўзига сурдилар битса муншоот.
Пир дебон атади улуғ сиймолар,
Жомий, Навоий ва Бобур мирзолар.
Фақир ҳам бош эгдим Ҳазрат наздида,
Даҳовий қудратни кўриб фазлида».

Шеъриятимиз, санъатимиз ва илмимизнинг забардаст ва меҳрибон жонкуяри устод Воҳид Зоҳидов «Шукуҳли карвон» шеърий романини зўр қониқиш билан ўқиб чиққач, унинг муаллифи Барот Бойқобилов ҳақида тўхталиб, ифтихор билан шундай деган эдилар: «Эҳҳе, бўтам, ҳали бундай заҳматкаш, фидокор шоиримиз буюк муъжизалар кўрсатади, унинг бошини меҳрибонлик ила силамоқ даркор, келажакда шеъриятимизнинг бутун залворли юки мана шул пуристеъдод шоиримизнинг елкасига тушса ажаб эмас». Ушбу айёмда айни куч-қудратга тўлиб-тошган забардаст, фидокор ва заҳматкаш шоиримиз Барот Бойқобиловнинг янги «Хамса»сини зўр шавқ ва завқ билан мутолаа қилар эканман, табаррук устозим, раҳматли Воҳид аканинг пешбинлик қилиб айтган ажойиб пайғамбарона фикр-мулоҳазалари Истиқлолимизнинг хайру баракотлари туфайли амалга ошаётганлигини дилдан сезиб, кўнглим алоҳида ғурур ва ифтихор ҳислларига тўлиб-тошмоқда.

Шундай қилиб, заҳматкаш, фидойи, забардаст шоиримиз Барот Бойқобилов маънавиятимиз осмонидаги энг порлоқ юлдузлардан бири Ҳазрати бузургвор пир-муршидимиз Хожа Аҳрор Валий ҳақида ажойиб улкан қимматбаҳо шеърий асар яратди. «Навоийнома» чор китобини бешинчи достон «Ҳайратул-Аҳрор» билан такмил этиб, бизнинг замонамизда янги «Хамса» яратишга муваффақ бўлди. Камтар шоир Барот Бойқобиловни янги улкан шеърий муваффақияти билан чин кўнгилдан муборакбод этиб, яқин келажакда мазкур «Хамса» асарини алоҳида китоб шаклида ҳам кўрармиз, яна ўқиб лаззатланармиз деб умид қиламиз.

Низомий, Деҳлавий, Жомий, Навоий,
Бузург «Хамса»навис Зотлар фидойи.
Тўрт салаф юкларин кўтариб азот,
«Хамса» яратибсиз, забардаст Барот.
«Ноёб «Хамса» қутлуғ!», дер аҳли замон,
Сизга мададкордур Ҳазрати Эшон,
«Хамса» муборак!», дер ҳур Ўзбекистон,
«Хамса» муборак!», дер ал-Ориф Усмон.

Ориф УСМОН,
Ўзбекистон Республикаси ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг етакчи
илмий ходими, филология фанлари доктори.

1) Барот Бойқобилов. Ҳайратул Аҳрор. «Навоийнома»нинг бешинчи китоби. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1997 й. 592 б.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Виктор ЗВЕРЕВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-07-20, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-07-20, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир А. РЎЗИЕВ, навбатчи М. ҚУРБОННИЁЗОВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0506

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА